


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИНИНГ  
2017-2030 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ  
КОНЦЕПЦИЯСИ (СТРАТЕГИЯСИ)**



**Тошкент 2017**

ишлиб чиқариш ташкилотлари ҳамда таълим муассасалари марказлари билан мустаҳкам ва самарали алоқаларни яратиш;

институтда лидерлик, корпоратив маданият, рақобат мұхитида яшаш ва ғолиб чиқиши ҳиссиётини шакллантириш;

институтда битирувчиларга ютуққа йўл очадиган билим устуворлиги, эркин фикр билдириш, ижодий қобилиятларни қўллаб-қувватлаш каби мухит яратиш.

Юқорида қайд этилган концептуал тамойиллар асосида институтни ҳар бир фаолият йўналишлари бўйича ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифаларини шакллантириш мумкин.

## **ИНСТИТУТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

### **1. Таълим жараёни**

#### **1.1. Таълим жараёнининг стратегик мақсади**

Юқорида қайд этилган концептуал тамойиллар асосида таълим фаолиятини такомиллаштириш орқали мутахассислар тайёрлаш сифатини сезиларли даражада яхшилаш.

#### **1.2. Таълим фаолиятини такомиллаштириш бўйича вазифалар:**

- талабаларнинг чуқур билим, касбий малака ва қўникма олишлари, шунингдек ўзларининг ижодий потенциалларини намоён қилишлари учун ўқув, илмий, инновацион фаолият бирлигини таъминлаш;
- мутахассислар тайёрлашнинг юқори сифатига эришиш учун талабалар, профессор-ўқитувчилар, таълим технологияларига бўлган талабларни кучайтириш;
- институт олдida турган муаммоларни оптимал тарзда ҳал этишга йўналтирилган янги, ностандарт таълим ва илмий технологияларни яратиш;
- замонавий таълим технологияларини яратиш ва ривожлантириш, илмий-педагогик мактаблар ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш, фан, техника ва технологияларнинг охирги ютуқларини акс эттирган дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш;
- иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг ривожланиш истиқболлари, меҳнат бозорининг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб, янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларини очиш;
- ёшларнинг таълим олишга бўлган қизиқишини қондириш мақсадида маҳсус сиртқи, сиртқи, кечки иккинчи олий таълим шакллари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;
- ўқув жараёнида масофавий таълим элементларини кенг жорий этиш;
- мутахассислик фанлари бўйича инглиз тилида ўқитиладиган гурухлар ташкил этиш ва уларни мунтазам кўпайтириб бориш;
- ўқув-услубий базани замон талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам такомиллаштириб бориш;
- ўқув жараёнига босқичма-босқич кредит-модуль тизимини жорий этиш;

- таълим хизматлари маркетинги тизимини такомиллаштириш;
- ўкув бўлинмаларининг кадрлар потенциали ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги таълим технологияларини тадбиқ этиш мақсадида ўкув жараёнининг услубий ва ахборот таъминотини такомиллаштириш;
- профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- республикамиз ва хорижий етакчи олий таълим муассасаларининг таълим тизими ва мазмунини ташкил этишдаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш;
- ўкув режаларига етакчи хорижий олий таълим муассасалари тажрибаси асосида янги фанларни киритиш, дарслик ва ўкув қўлланмаларини таржима қилиш.

## **2. Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолият ва олий малакали кадрлар тайёрлаш**

### **2.1. Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва олий малакали кадрлар тайёрлашнинг стратегик мақсади**

Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва олий малакали кадрлар тайёрлаш:

- институтнинг кадрлар сиёсатини амалга ошириш;
- институтни дастлаб минтақада, сўнгра дунёда етакчи илмий-таълим маркази сифатида намоён бўлишини таъминлайдиган фундаментал ва амалий илмий-тадқиқотлар, инновацион фаолиятни ривожлантириш;
- институтни халқаро инновацион фаолият маркази даражасига олиб чиқиш кабиларга қаратилган.

### **2.2. Илмий-тадқиқот, ижодий, инновацион фаолиятни ривожлантириш ва олий малакали кадрлар тайёрлаш бўйича вазифалар**

- таълим ва илмий жараёнлар яхлитлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- грант танловлари, турли даражадаги дастурлар, хўжалик шартномалари асосидаги тадқиқотларда қатнашиш, инновацион марказларни ташкил этиш орқали илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятни диверсификация қилиш доирасини кенгайтириш;
- илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар сифати ҳамда тадқиқотчиларни рафбатлантиришни ошириш;
- ахборот базаларини модернизациялаш, консалтинг, маркетинг, молиявий, ахборот ва таълим хизматларини кўрсатиш орқали илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион фаолиятни замон талаблари даражасида техник қўллаб-куватлаш;
- талabalарни илмий-тадқиқотларга жалб этиш, иқтидорли талabalар билан индивидуал ишлаш доирасини кенгайтириш, уларни стажировка - магистратура - таянч докторантураси - докторантураси тизимида мақсадли тарбиялаб бориш ишларини фаоллаштириш;
- докторант ва талabalарнинг камидаги битта чет тилини билишини таъминлаш учун замонавий тил ўқитиш технологияларини жорий этиш;
- юқори малакали илмий, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишлари самарадорлигини ошириш;

- республика саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарининг жадал суръатларда ривожланишини таъминлашда илмий ва инновацион ишланмалар аҳамиятини ошириш;
- фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар, давлат грантлари танловига лойик, шунингдек, хўжалик шартномалари асосида бажариладиган илмий-тадқиқот мавзулари спектрини кенгайтириш.

### **3. Халқаро фаолият**

#### **3.1. Халқаро фаолиятнинг стратегик мақсади**

Халқаро ҳамкорлик, даставвал, институтнинг жаҳон таълим тизимига интеграциялашувини таъминлаш, жаҳон олий таълим тизими стандартларига мувофиқлаштириш, таълим, илмий, иқтисодий фаолият доирасини кенгайтириш учун замонавий шарт-шароит ва норматив базани такомиллаштиришга йўналтирилган.

#### **3.2. Халқаро фаолият бўйича вазифалар**

- хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари профессор-ўқитувчиларини таълим жараёнига жалб этиш, улар томонидан мутахассислик фанларини тизимли асосда ёки модуль шаклида янги хорижий ўқув адабиётлардан фойдаланиб, ўқитилишини йўлга қўйиш;
- институт талабалари, ёш олимлари ва профессор-ўқитувчиларини хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказларига ўқиш, стажировка, малака ошириш ва илмий-тадқиқот ишларини бажаришга юбориш;
- хорижий профессор-ўқитувчи ва олимларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш, улар иштирокида илмий конференциялар, давра сухбатлари ва семинарлар ўтказиш;
- хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда замонавий технологиялар асосида чет тилларини ўқитишни йўлга қўйиш;
- халқаро илмий-тадқиқот лойиҳалари ва грантларида иштирок этиш қўламини кенгайтириш;
- хорижий нашрларда чоп этиладиган илмий мақолалар сонини ошириш, институт профессор-ўқитувчилари томонидан чоп этилган тезис ва мақолалар иқтибослигини оширишга эришиш;
- институт илмий-педагогик ходимларининг халқаро илмий конференцияларда маъруза билан иштирок этишларни таъминлаш;
- институт томонидан таъсис этилган илмий журналларда хорижий олимларнинг мақоларини чоп этиш, уларни тақризчи сифатида иштирокини рағбатлантириш.

### **4. Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти**

#### **4.1. Ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини такомиллаштириш**

Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини такомиллаштириш институтнинг барча фаолият турлари, биринчи навбатда ўқув-илмий жараёнга хизмат қилиш ишлари сифатини ошириш, шунингдек ходимлар ва талабаларнинг меҳнат қилиш, ўқиш ва хордиқ чиқариш шароитларини яхшилашга йўналтирилган.

## **4.2. Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти бўйича вазифалар**

- ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланиш самародорлигини ошириш;
- сарф-харажатлар самародорлигини назорат қилиш тизимини жорий этиш;
- бюджетдан ташқари маблағлар топиш ишларини янада фаоллаштириш;
- хўжалик хизматлари моддий-техник базасини ривожлантириш;
- мавжуд жиҳозларни модернизация қилиш ва янгиларини харид қилиш;
- ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига малакали кадрларни жалб этиш.

## **5. Молиявий ва иқтисодий фаолият**

### **5.1. Молиявий ва иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш**

Молиявий ва иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, молиявий манбаларни жалб этиш, институтнинг асосий фаолиятини молиялаштириш учун улардан мақсадли фойдаланиш.

### **5.2. Молиявий ва иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш вазифалари**

- молиявий масалаларни тизимли таҳлил ва назорат қилиш, харажатлар сметасини объектив асослаш;
- институт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириб бориш;
- молиявий ресурсларни тежаш;
- молиявий режалаштириш, бухгалтер ҳисоби ва назоратига замонавий дастурий маҳсулотларни жорий этиш;
- тўловли таълим хизмат турларини кенгайтириш (иккинчи олий таълим, қўшимча таълим, хорижий тилларни ўргатиш, консалтинг ва сервис хизмати қўрсатиш ва бошқа марказларни ташкил этиш);

## **6. Институтни бошқариш**

### **6.1. Институтни бошқаришни такомиллаштириш бўйича вазифалар**

- бошқарув ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, бошқарув услубларини такомиллаштириш;
- хужжатлар алмашинувини халқаро стандартлар талабларига мувофиқ тизимлаштириш;
- институт тузилмасига заруратдан келиб чиқсан ҳолда ўзгартиришлар киритиш;
- сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклларини жорий этиш.

## **7. Таълим ва илмий фаолиятнинг моддий-техника базасини ривожлантириш**

### **7.1. Таълим ва илмий фаолиятнинг моддий-техника базасини**

#### **ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари**

Таълим ва илмий фаолиятнинг моддий-техника базасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари таълим стандартлари ҳамда илм-фаннинг замонавий талабларига мувофиқ моддий-техника базасини яратишга қаратилган.

## **7.2. Таълим ва илмий фаолиятнинг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича вазифалар**

- ўқув аудиторияларини замон талаблари даражасида янгилаш ва ишчи ҳолатда сақлаш;
- маъруза залларини аудио ва мультимедиа жиҳозлари билан таъминлаш.

## **8. Институтни ахборотлаштириш**

### **8.1. Ахборотлаштиришнинг стратегик мақсадлари**

Ахборотлаштиришнинг стратегик мақсадлари меҳнат бозорида кадрларнинг рақобатбардошлигини, таълим беришнинг сифатини, шунингдек институт фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтириш.

### **8.2. Ахборотлаштиришнинг асосий вазифалари**

- институтнинг асосий фаолият йўналишлари бўйича ахборотлаштириш платформаларини танлаш ва яратиш;
- асосий ахборотлаштириш платформаларини институтнинг корпоратив тизимига интеграциялаш;
- институтнинг педагоглари, талabalari ва ходимларига ички ва ташқи ахборот ресурсларидан рўйхатдан ўтган ҳолда фойдаланиш имкониятини яратиш;
- институтда “ўқув жараёнида ахборот технологияларини узлуксиз қўллаш” дастурини тадбиқ этиш;
- масофадан ўқитиши тизимини яратиш;
- институт педагог-ходимларининг ахборот технологияларини қўллаш бўйича малакаларини ошириш;
- институтни жаҳон ахборот маконида чет тилларида намойиш этиш учун Web-технологияларини ривожлантириш;
- ахборот-ресурс марказлари, электрон дарслик ва ўқув қўлланмаларининг Web-каталогларини ривожлантириш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

## **9. Хорижий тилларни ўқитишини ривожлантириш**

Замонавий таълимнинг муҳим элементи сифатида тилни пухта ўқитиши орқали институт битиувчиларининг глобал дунё, очиқ ахборот маконига кириб бориш имкониятларини кенгайтириш.

### **9.1. Тил ўқитишини ривожлантиришнинг стратегик вазифалари**

- хорижий тиллардан камида биттасини ўқитишини таъминлаш (рус тилидан ташқари);
- талabalар, магистрантлар ва докторантларга дифференциаллашган ёндашув асосида тил ўқитиши;

- институтда тайёрланаётган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари таълим дастурларига касбий мулоқот бўйича тил ўқитишини жорий этиш;
- педагогларда мутахассислик бўйича ноёб техник адабиётларни таржима қилиш, маъруза ўқиши, нутқ сўзлаш, чет тилларида мақолалар ёзиш бўйича малакавий маҳоратини янада ривожлантириш;
- чет тилларини мукаммал биладиган педагоглар томонидан маҳсус фанларни чет тилларида ўқитилишини таъминлаш;
- маҳсус фанларни чет тилида ўқитиши услубларини пухта биладиган хорижий мутахассисларни ўқув жараёнинга жалб этиш;
- институт педагогларининг чет тилларини ўрганиш, маҳсус фанлардан чет тилида маъруза ўқишлигини рағбатлантириш тизимини жорий этиш;
- чет тилларини ўқитиши жараёнини замонавий ўқув-методик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиши ёки харид қилиш;
- институтда тил ўрганишнинг фаол ахборот мухитини шакллантириш.

## **10. Олий таълимга тайёрлаш**

Олий таълимга тайёрлаш институт фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Институтга иқтидорли ёшларни танлаб олиш, уларнинг умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида олган билимларни узлуксиз ва узвийликда мустаҳкамлаш орқали иқтисодиёт соҳаларининг етук, рақаботбардош кадрларга бўлган талабларини қондириш.

### **10.1. Олий таълимга тайёрлашни ривожлантириш вазифалари**

- умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари билан шартномалар асосида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
- узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;
- узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик дастур ва лойиҳаларда иштирок этиш ва амалга ошириш;
- абитуриентларни институтга кириш синовларига тайёрлаш учун таълим маркази орқали кундузги ва кечки ўқув курсларини ташкил этиш;
- таълим хизматлари ярмаркалари, кўргазмаларини ташкил этиш ва иштирок этиш;
- мактаб, лицей ва коллеж ўқитувчилари учун семинар ва илмий-амалий конференциялар ташкил этиш;
- мактаб, лицей ва коллеж ўқитувчилари ўртасида касбга йўналтириш ишларини мақсадли олиб бориш, маҳсус курслар, тест-тренинглар, танловлар, олимпиада, очик эшиклар кунини ташкил этиш.

## **11. Корпоратив маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш**

Институтда корпоратив маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш жамиятда кечәётган ўзгаришлар, жамиятнинг устувор қадриятлари: таълимга бўлган ижтимоий буюртма юзасидан масъулиятнинг давлат, оила ва корхона ўртасида тақсимланиши, шахснинг жамият ва ўз фаровонлиги учун масъулияти, салбий ижтимоий жараёнларга қарши курашиш заруратини аниқ англашга асосланади.

### **11.1. Корпоратив маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича вазифалар**

- институтда анъаналар, бошқарув услуби, коллегиал қарор қабул қилиниши билан боғлиқ ҳолда вужудга келган корпоратив маданият, унинг характеристи, ижобий ва салбий элементларини ўрганиш;
- аксарият педагог-ходимлар ва талабалар томонидан корпоратив маданиятнинг элементларини ўрганилиши ва англаниши орқали шарт-шароитларга мувофиқ ўзгартиришлар киритиш;
- институтнинг интеллектуал ва кадрлар салоҳиятини бошқариш тизимини яратиш;
- талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш маданиятини янада такомиллаштириш;
- институтда илмий тадқиқотлар маданиятини такомиллаштириш;
- таълим жараёнига хизмат қилиш маданиятини такомиллаштириш;
- институт педагог - ходимлари ва талабаларининг кийиниш маданияти ва турмуш тарзини юксалтириш;
- институт жамоасида ижтимоий-психологик муносабатларни такомиллаштириш.

Концепция асосида институтнинг 2017-2030 йилларда ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди.